


Аллоҳ бандасини яхши кўрса...



19:00 / 28.12.2021 3004

Шайх Муҳаммад Нажиб Сирожиддин раҳимахуллоҳни Аллоҳ таоло кўзи ва қулоғида яъни, кўриш ва эшитишда икром қилган. Ҳатто умрининг охиригача бу аъзолари унга буткул хизматда бўлган. Юз йилга яқин умр кўрган бўлсалар, бирон марта кўзойнак тақишга ёки эшитишда муаммо бўлиб, бирон қўшимча мосламаларга эҳтиёж сезмаганлар. Балки бемалол қийинчиликсиз ўқиб, ёзар эдилар.

Дарс беришни эса 94 ёшга етгунларига қадар ҳам тўхтатмаганлар. Бу ҳам қачонки тиззаларининг қуввати кетиб, ўта заифлашиб қолгандан кейин тўхтаган. Шунингдек, Аллоҳ икром этган неъматларидан ҳифз, хотира қуввати, Китоб ва набавий Суннатнинг наслари (матнлари)да зобт сифатини («Зобт» сўзи луғатда бир нарсани маҳкам ушлаб қолишни ифода этади. Уламолар истилоҳида эса, «Ровий ўзи ривоят қилган ҳадисни ғоят

маҳкам ушлаши лозим» деганидир. Бу эса, икки йўл билан ҳосил бўлади.

Биринчиси – хоҳлаган вақтда ҳадисни аниқ ва равшан, бир хилда айтиб бера олиши керак.

Иккинчиси – ҳадисни турли камчиликлардан сақлаган бўлиши керак) ато этган эди. Қуръони Карим ва ҳадислардан ҳифз қилган, дарсларини силсила тарзида давомий юритган, асло тўхтатмаган эди. Ҳадисларни ровийларнинг баёни, таҳрижлари билан келтирар, набавий ҳадис китобларини ўрганишга катта эътибор, ихтимом кўрсатган эди. Ҳадис дарсларини тақрир этишда кенг баён этганидан, уларни далил ҳужжат сифатида келтириш мақомига олиб чиқарди.

Аллоҳ таоло у зотга яна ато этган, икром қилган неъматларидан:

У зотга Аллоҳ рост, содиқ фаросат насиб этганди. Бирон сўровчи илмий масалалар ёки ирфоний саволлар ила юзланадиган бўлса, у зот сўраётган кишидаги мақсадни англаб олар, агар савол сўраётган сидқи ният билан мурожаат қилаётган бўлса унга жавоб бериб, мукамал фойдалантирар эди. Ундан бошқача бўлса, уни рад қилар, ёлғон ёки макр қилаётганини билиб танбеҳ берар эди. У зот раҳимаҳуллоҳ, кучли фаросатлари боис кишига қараб уни билиб олардилар.

Аллоҳ таоло у зотга яна ато этган, икром қилган неъматларидан:

Аллоҳ у зотга дарс беришда, Китоб ва суннатда далилларни баён этган ҳолда илмий силсилавий баҳс ва изланишларда кифоя қиларли тафсилотлар ва қамровли изоҳлар жиҳатидан қувват ато этганди.

У зот раҳимаҳуллоҳ дарслари қанчалик узоқ давом этсада чарчоқ ва малолланишни билмасдилар.

У зотнинг ўзлари буни шундай изоҳлаган эдилар: «Мен илмий савол-масалаларни тақрир этиш, ўрганишдан, диний дарсларни ўргатишдан асло чарчамайман».

У зотнинг дарслари бир соату йигирма беш дақиқа давом этарди. Аҳёнда бир ярим соатдан иборат бўларди. Умавий Кабир жомеасидаги дарслари бўлса ёз кунлари икки ярим соатдан иборат бўларди. Баҳсларининг мавзуси Аллоҳ таолонинг муҳаббати, Унинг сифатлари, унга муҳаббат қўйган муҳибларнинг аҳволлари ва одоблари ҳақида бўларди.

Эслатма: Шайх Муҳаммад Нажиб роҳимаҳуллоҳ Шомлик уламолардан бўлиб, аллома Муҳаммад Аввома ҳазратларининг устозлари шайх Абдуллоҳ Сирожиддин ҳазратларининг оталаридир.

Манба: arabic.uz